



## Ислом Нури

У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг пайгамбар килиб юборилишлари:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам кирк ёшга кирганларида Аллох Таъоло томонидан бутун оламга раҳмат, энг сўнги пайгамбар этиб юборилдилар. Ўша йили, рамазон ойининг ўн еттинчиси – душанба куни Хиро горида у кишига биринчи марта, олдиларига фаришта осмондан вахий олиб тушди.

Фаришта у зотнинг олдиларига тушиб деди: “Ўкинг”. У зот эса: “Мен ўқишни билмайман”, — дедилар. Шунда фаришта у зотни каттик кисди, бу кисишликдан каттик кийналдилар. Фаришта кўйиб юбориб, “Ўкинг” деди. Набий соллаллоху алайхи ва саллам: “Мен ўқишни билмайман” дедилар. Юкоридаги ҳолат учинчи марта ҳам такрорлангандан кейин фаришта деди:

*«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам, Сиз ўзингизга нозил бўладиган Куръонни барча мавжудотни) яратган Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан ўкинг! У инсонни лахта кондан яратган (Зотдир). Ўкинг! Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) каламни (яъни, ёзишни – хатни) ўргатган ўта Карамли Зотдир. У Зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди».* (Алак: 1 – 5)

Кейин Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам Хадижа онамиз разияллоху анҳо олдиларига кўркувдан калтираб-титраб келиб, гордаги бўлган ходисани айтиб бердилар. Хадижа онамиз росулulloхни тинчлантириб – хотиржам килиб дедилар: «Севининг! Асло, кўркманг! Аллох Таъоло сизни ҳеч қачон хор килиб кўймайди. Чунки, сиз кариндош билан яхши алоқадасиз, сўзингизда ростгўйсиз, кишларнинг оғирини енгил киласиз ва ҳаётда мусибат кўрганларга



## Ислом Нури

кўмаклашасиз».

Кейин вахий келиши бир муддат тўхтади. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам Аллох Таъоло хохлаган бир муддат ичида ҳеч нарса кўрмай турдилар. Бу ҳолатдан гамгин бўлиб, вахий тушишига мушток бўлдилар. Шундан кейин бир оз вақт ўтиб, бир куни кўчада кетаётганларида, ер билан осмон ўртасида муааллак бўлган бир курсида ўтирган фаришта намоён бўлиб, кўнгилларига таскин бериб, у зотнинг чиндан ҳам Аллох Таъолонинг Росули эканликларига башорат (хушхабар) берди. Фариштани кўрган Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам кўркиб, калтираб-титраб уйларига бориб, Хадижа онамизга: “Мени ўраб кўйинглар, мени ўраб кўйинглар”, — деб буюрдилар. Мана шу пайт Аллох Таъоло у кишига кўйидаги оятларни нозил қилди:

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни Охират азобидан) огохлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улугланг! Либосларингизни пок тутинг!». (Муддассир: 1 - 4)

Аллох Таъоло ушбу ояти карималарда Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламни кавмларини огохлантириш ва уларни Аллох Таъолога даъват этмокларига амр этди. Росулуллох соллаллоху алайхи ва саллам буйрукни бажариш учун каттик бел боглаб, Аллох Таъоло томонига каттаю-кичикни, озоду-кулни, эркагу-аёлни ва октанлигу-коратанликни даъват этиб, Аллохнинг фармонида итот этган холларида даъват ишини комил суратда адо этдилар. У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг даъватларига ҳар бир қабиладан –дунё ва охиратда нажот топишларини – Аллох Таъоло Ўзи ихтиёр қилган бандалари зиё ва ишонч билан исломга кирдилар. Макканинг акли паст, мутақаббир кофирлари эса, исломни қабул қилганларга ҳар йўл билан каттик озор бера бошладилар. Росулуллох соллаллоху алайхи ва



## Ислом Нури

салламни эса, Аллох Таъоло амакилари Абу Толиб воситаси билан химоя килиб, кофирларнинг озоридан Ўзи саклади. Чунки Абу Толиб уларнинг ўрталирида шарафли, гапи ўтадиган, хурматли киши эди. Улар Абу Толиб, Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламни каттик яхши кўришини билганлари учун ҳам, у зот соллаллоху алайхи ва салламга озор бериш билан унинг каршисига туришликка жураът кила олмас эдилар.

Ибн ал-Жавзий айтадилар: «Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам уч йилгача даъватни яширинча олиб бордилар. Кейин: **«Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни (яъни, Хак Динга даъват килишни) юзага чикаринг ва мушриклардан юз ўгиринг!»** (Хижр: 94) ояти нозил бўлгач, даъватни ошкор килдилар. У зотга Аллох Таъолонинг: **«Якин кариндош-уруглариңизни (Аллохнинг азобидан) огохлантиринг!»** (Шуаро: 214) ояти нозил бўлгандан кейин, Сафо тогига чикиб, “Эй кавм! Огох бўлинг!”, — деб жар солдилар. Улар: “Бу овоз килаётган ким ўзи? Ие...бу Мухаммад-ку!” —деб ажабланиб Набий соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига келиб тўпландилар. Шунда Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам уларга карата: “Эй фалонийлар авлоди ... Эй фалонилар авлоди ... Эй фалонийлар авлоди ... Эй Абди Маноф авлоди ... Эй Абдул Мутталиб авлоди...” — деб нидо килдилар. Улар русулulloх соллаллоху алайхи ва саллам олдларига келиб жам бўлишгач дедилар: «Эй кавм, айтингларчи, мен хозир сизларга, мана шу тоғ ортидан отлик аскарлар чикиб келади деб хабар берсам, мени тасдиқлайсизларми?». Улар: “Албатта, биз сизни ёлгон гапирганиңизни кўрган эмасмиз, сизга ишонамиз”, — дедилар. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «(Унда эшитинглар!) Мен албатта, сизларни каттик азоб (келиши) олдидан огохлантираман». Шунда Абу лахаб: “Куриб кеткур! бизни факат шу (гап) учунгина жамладингми?”, — деди ва туриб кетди.



## Ислом Нури

Кейин унинг шаънига Аллох Таъолонинг: **«Абу лахабнинг кўллари куригай - халок бўлгай! (Аникки,) у куриди - халок бўлди! Молмулки ва касб килиб топган нарсалари унга аскотгани йўк! Яқинда унинг ўзи ҳам, унинг ўтин оркалаган, бўйнида пишик толадан (эшилган) аркон бўлган хотини ҳам (ловуллаб турган) алангалик дўзахга киражак!»** (Масад сураси) оятлари нозил бўлди. (Муттафақун алайхи)

Росуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг кофирлар томонидан йўликкан озорларга сабр килишлари:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам кавмлари томонидан каттик озорларга йўликдилар. У зот бу машаккатларга сабр килиб, Аллох Таъолодан савоб умид килар эдилар. Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам йўликкан озорлардан у зотга тобе бўлган сахобалар ҳам бенасиб колмадилар. У зот соллаллоху алайхи ва саллам сахобаларни химоя килишга кодир бўла олмаганлари сабабли, бу зулм ва озорлардан кутилишлари учун уларни Хабашистон ерларига хижрат килиб кочишга буюрдилар. Сахобалар пайгамбаримиз буйруклари билан тугилиб ўсган ерларини, иссик-совуқдан панох бериб турадиган уйларини ташлаб, Аллох Таъоло йўлида Хабашистонга хижрат килдилар.

Ибн Исхок айтадилар: "Абу Толиб дунёдан ўтгач, Курайш кофирлари, у хаётлик пайтида Росулulloхга етказа олмаган озорларни етказдилар". Абу Нуайм Абу Хурайра разияллоху анхудан ривоят килади: Абу Хурайра айтадилар: "Абу Толиб вафот этгач, улар (Курайш кофирлари) пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламга каттик хужум килдилар. Шунда Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам "Эй амакижон! Йўклигингиз шундай билиняпти! (Яъни, сиз йўклигингиз туфайли



## Ислом Нури

булар менга жуда каттик озор беришмокда, жуда хам кадригиз ўтди, амакижон!), — дер дилар.

Сахихайн (Бухорий ва Муслим)да ривоят килинади: «(Бир куни) Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам номоз ўқиётган эдилар, якинрокларида туянинг йўлдоши (тупрокка коришиб ётарди). Укба ибн Аби Муъийт номли кофир ана шу йўлдошни олиб келиб, ул зотнинг устларига ташлади, кизлари Фотима разияллоху анхо келиб, олиб ташлагунларича саждада туравердилар. Кейин Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам: «Эй Аллохим, Курайшдан бу жамоани (менга озор берган ушбу жамоани) ўзинг жазола!», — деб дуо килдилар.

«Укба -т- ибн Абий Муъийт бир куни, Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг елкаларидан тутиб, кийимларининг ёкаларидан тутиб бўйинларидан каттик бўғиб турган пайтда Абу Бакр разияллоху анху келиб, у зотдан уни даф этиб: “Бу кишини роббим Аллох дегани учун ўлдирасизларми?”, — деб кутказиб одилар».

Набий алайхиссалоту вассаломнинг кавмларига рахмдилликлари:

Абу Толиб ва Хадижа разияллоху анхонинг вафотларидан кейин, Росулulloх соллаллоху алайхи ва салламга тортаётган озорлар кучайиб кетгач, Тоиф шахрига чикиб, Сакиф кабиласини исломга даъват килдилар, улардан кўрган муомалари эса, факат озор, масхара ва бўйинтовлаш бўлди, холос. Улар росулulloх соллаллоху алайхи ва салламни тошбўрон килиб, икки товонларини конга белаб, хайдашди. Кейин у зот соллаллоху алайхи ва саллам мажбур – Маккага кайтишга қарор килдилар. Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам айтадилар: «(Тоифдан) мен ўзимда йўқ, гамгин бўлиб кайтдим. Карну -с- Саоъолиб



## Ислом Нури

(Нажд ахлининг мийкоти)га етиб келганимдагина ўзимга келибман. Бошимни кўтариб, менга соя солиб турган бир булутни кўрдим. Назар солиб карасам у булут устида Жаброил алайхиссалом турардилар. Менга нидо килиб дедилар: “Албатта, Аллох Таъоло кавмингизни сизга айтган сўзларини, кайтарган жавобларини эшитди ва сизнинг хизматингизга улар хакида холаганингизча буйрук килишингиз учун тоғлар фариштасини юборди”. Сўнгра тоғлар фариштаси мени чакириб, салом бериб деди: “Эй Мухаммад! Аллох Таъоло кавмингизни сизга айтган сўзларини эшитди, мен тоғлар фариштасиман, Парвардигорингиз холаганингизни буюришингиз учун мени сизга жўнатди. Агар хохласангиз Ахшабайн (Маккадаги икки тоғ)ни уларнинг устига тўнтариб кўяман. Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам: “Йўк! Балки, мен Аллох Таъолодан, уларнинг пуштларидан Унга бирор нарсани шерик килмай, Унинг ёлгиз Ўзига ибодат киладиган авлодларни чиқаришини умид киламан”, — дедилар». (Муттафақун алайх)

Шундан кейин Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам хар хаж мавсумида чикиб, турли кабилаларга ўзларини (химоя килшларини) таклиф килиб: «Ким менга жой беради? Ким менга ёрдам беради? Албатта, Курайш Парвардигорининг каломини (бандаларига) етказишимга монелик килишмокда», — дер эдилар.

Пайгамбар соллalloху алайхи ва саллам хаж мавсумларининг бирида олти нафар Мадиналик кишилар билан учрашиб, уларни Исломга даъват этганларида улар Исломни қабул килдилар ва юртларига кайтиб ўз кавмларини ҳам Исломга даъват этдилар, натижада улар ўрталарида Ислом дини таркала бошлади. Сўнгра махфий суратда, Мадиналик мусулмонлар билан, тарихда “Акаба байъати” деб номланган биринчи ва иккинчи байъат (ахди паймон бериш) учрашуви



## Ислом Нури

бўлиб ўтди. Мана шу байъат комил суратда амалга оширилгач, Росулulloх соллаллоху алайхи ва саллам ўзлари билан бирга бўлган мусулмонларни, Мадинага хижрат килишга буйрук килдилар. Маккалик мусулмонлар гурух-гурух бўлиб, Мадинага йўл олдилар.

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламнинг Мадинага хижрат килишлари:

Сахобалар Мадинага хижрат килишганига кўп ўтмай, Макка кофирлари у зотни ўлдиришга қарор килишганидан сўнг, Аллох Таъоло у зотга ҳам хижрат килишларига изн берди. Улар Набий алайхиссалоту вассаломни ўлдиришни режалаштиришган кечада Абу Бакр Сиддик билан биргаликда чикиб кетиб, аввал "Гори Савр"да уч кун яширин туриб, у зот ва шерикларини кидирув ишлари тўхтатилганидан сўнг, мушрикларни догда колдириб, Мадинага йўл одилар. Аллох Таъолонинг мадади билан соғ-саломат Мадинага етиб келдилар. Мадина ахли у зот ва хамрохларини очик юз ва кенг калб билан қарши олдилар. Кейин у ерга ўз масжид ва манзилларини бино қилиб, рисолатларини давом эткиздилар.